КУТУБХОНАСИ

2006 ЙИЛ, 22 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 119 (10.676) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●«Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси Хитойнинг нефт-газни қидириш ва ишлаш бўйича «КНОДС» миллий корпорацияси билан Республикамизнинг инвестиция блокларида геология-қидирув ишларини олиб бориш юзасидан битим имзолади. Пекин шаҳрида давлатлараро тасдиқланган ҳужжатга биноан, Хитойнинг ушбу компанияси мамлакатимизнинг бешта инвестиция блоки—Устюрт, Бухоро, Хива ва Фарғона минтақаларида геология-қидирув ишларини олиб боради.

● «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари таъминотини яхшилашга, ногиронлар, ёлғиз қарияларни муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, Навоий шаҳридаги «Қизилқум-цемент» корхонаси жамоаси ҳам бу борада бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Хусусан, яқинда «Бинокор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 15-мактаб кутубхонасига 1,2 миллион сўмлик дарслик ҳамда бадиий китоблар олиб берилди. Мактабнинг янги спорт залини жиҳозлаш учун беш миллион сўмлик спорт анжомлари келтирилди.

●Тошкентда «Интернет ва бизнес-инкубаторлаштириш» мавзуидаги халқаро форум ўз ишини бошлади. Бизнес инкубаторлар ва технопарклар ассоциацияси, Республика Савдо-саноат палатаси кўмаги ва Бутунжаҳон банкининг info Dev дастури асосида ташкил этилган ушбу форумни ўтказишдан мақсад бизнесни оёққа туриш босқичида ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Интернет имкониятларидан фойдаланиш борасида тажриба алмашишдир.

●Бухорода Москва—Бухоро—Москва йўналиши бўйича қатновчи янги авиалиния очилди. Эндиликда ҳафтанинг ҳар шанба кунлари Россиянинг Air Union авиаальянсига қарашли «ТУ-154 М» самолёти 300 дан ортиқ йўловчиларга ўз хизматини кўрсатади. Жорий йилнинг июлидан бошлаб авиалайнерлар шунингдек, Бухоро —Санкт-Петербург, Санкт-Петербург—Бухоро йўналишлари бўйича ҳам парвозларни амалга оширадилар.

●Ишлаб чиқаришни кенгайтириб, маҳсулотнинг янги турларини ўзлаштириб «Сурхон комбинати» акциядорлик жамияти ўз фаолиятини тобора ривожлантириб бормоқда. Жумладан, ҳозир бу ерда хитойлик шериклар билан ҳамкорликда шифер ишлаб чиқариш цехининг қурилиши ниҳояланмоқда, туркиялик мутахассислар билан биргаликда бир кеча-кундузда 45 тонна ун ишлаб чиқаришга мўлжалланган кичик тегирмон ўрнатилди.

●Хивада қайта ташкил қилинган Хоразм Маъмун академиясининг биноси олдига буюк олим Абу Райҳон Берунийнинг монументал ҳайкали ўрнатилади. Ҳайкал Ҳазорасп қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи билим юрти маъмурияти ҳомийлигида тайёрланди.

●Гандбол бўйича эркаклар ўртасида Ўзбекистон Кубоги финалида «ЎзМУ» (Тошкент) жамоасини енгган Қаршининг «Умид» командаси илк бор мамлакат Кубогининг соҳиби бўлди. Аёллар ўртасида эса, мухлислар ва мутахассислар ўртасида кутилганидек, мамлакат Кубоги Тошкентнинг «Алгоритм» жамоасига насиб этди.

ЖАҲОНДА

●Россиянинг «Газпром» компанияси Данияга 2011 йилга қадар газ етказиб бериш юзасидан ДОНГ компанияси билан шартнома имзолади. Унга кўра Россия томони яқин 20 йил давомида Данияга йилига 1 миллиард кубометр газ етказиб беришни режалаштиряпти.

●Кеча Дағистоннинг Хасавюрт шаҳрида милициянинг уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими бошлиғи полковник Саид Салим Забитов хизмат машинасини ўққа тутиш йўли билан ўлдирилди. Ушбу иш юзасидан ҳозирда тергов ҳаракатлари кетмоқда.

●Италия полицияси мафияга алоқадорликда гумон билан 45 нафар кишини қамоққа олди. Маълумотларга кўра ушбу саъй-ҳаракатлар мамлакатга ҳали ҳам катта таъсир кўрсатаётган Сицилия мафиясини йўқ қилишга қаратилган.

●Австриялик бир гуруҳ журналистлар сув остида ўтказилган ўзига хос матбуот анжуманида қатнашдилар. 21 репортёрдан иборат жамоа дайвингчилар кийимида Траун кўли тубига тушишган. Матбуот анжумани эса Лео Ашенбауэр ва Клаус Шренсернинг дайвинг бўйича янги китоби чиқишига бағишланди.

●Шу ойнинг бошида Ирокда Россиянинг тўрт нафар дипломати террорчи гуруҳ жангарилари томонидан гаровга олинганди. Жангарилар расмий Москвадан дипломатларни озод қилиш эвазига Чеченистондан россиялик ҳарбийларнинг олиб чиқиб кетилиши ва мамлакат қамоқхоналаридаги барча террорчиларни озод қилишни талаб этмоқда. Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров ҳозирда гаровдагиларни соғ-саломат озод қилиш учун барча чоралар кўрилаётганини билдирди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●**«ТОШКЕНТ** телефон тармоғи» корхонасининг маълумот хизмати ходимлари иштирокида ўтказилган тадбирда алоқа хизмати, хусусан маълумот бериш хизмати сифатини янада яхшилаш лозимлиги таъкидланди.

●**«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Камолот» ЁИҲ Собир Раҳимов туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган тадбир «Камолот»чилар —келажак пойдевори» деб номланди.

●**СИЁСИЙ** тадқиқотлар маркази ташаббуси билан шаҳримизда «Ахборот майдонини шакллантириш» мавзуида уюштирилган тадбирда телекоммуникация соҳаси вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

●**ҲОМИЙЛАР** ва шифокорлар йилига муносиб туҳфа сифатида бунёд этилган Мирзо Улуғбек туманидаги 7-сонли сил касалликлари диспансери ҳамда 9-оилавий поликлиника янги бинода фаолият бошлади.

●**ТОШКЕНТ** Тиббиёт академиясида КЕЧА ўтказилган тадбирда мазкур илм маскани битирувчи магистрларига дипломлар топширилди.

●**КЕЧА** Миробод туманида туман хотин-қизлар қўмитаси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистот либерал-демократик партияси туман Кенгаши ҳамкорликларида фаол аёллар иштирокида уюштирилган адабий-бадиий кеча «Аёл ва маънавият» деб номланди.

●**БУГУН** Яккасарой туманидаги фаҳрийлар иштирокида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими томонидан уюштирилган хайрия тадбири Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди. Унда Қизил Ярим Ой жамияти қошидаги Меҳр-шафқат коллежи талабалари ҳам иштирок этишди.

●**БУГУН** Миробод туманидаги «Қатортол», «Толариқ» маҳаллалари ёшлари ҳамкорлигида «Камолот» ЁИҲ Миробод туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбир «Саломатликнинг ёш дўстлари» деб номланди.

●**БУГУН** Ҳамза туман ўқувчилар ижодиёти уйида маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган оилалар фарзандлари, меҳрга ташна болажонлар учун «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган «Тилларни ўрганамиз» мавзуидаги ўқув курслари машғулотлари ўтказилди.

●**БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги 241,222,27-мактаблар қошидаги оромгоҳлар тарбияланувчилари ўртасида туман халқ таълими бўлими, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, туман ўқувчилар ижодиёти маркази, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида спорт мусобақалари ўтказилди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ЮРТБОШИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРНИ ОБОД ҚИЛИШ, БОҒ ВА ХИЁБОНЛАР БАРПО ЭТИШ, ЙЎЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ВА ЯНГИЛАРИНИ ҚУРИШ БОРАСИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.



Мустақиллик иншоотлари

КАТТА ҲАЛҚА ЙЎЛИДА ҚУРИЛИШ ЯКУНЛАНМОҚДА



Маълумотларга кўра, истиқлол йиллари пойтахтимиз ва унга туташ ҳудудларда қурилган ва реконструкция қилинган йўллар, йўл ўтказгич ва кўприкларнинг умумий ҳажми минг километрдан ошган. Бундай улкан бунёдкорлик негизида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, халқимизнинг яратувчанлик руҳи ва эртанги кунга бўлган юксак ишончи мужассам, албатта.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллик тўйи нишонланадиган йилда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда. Йўлсозларимиз халқимизнинг ана шу севимли байрами арафасида Тошкент катта ҳалқа йўлининг қолган қисмини тўлиқ фойдаланишга топширишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Президентимиз Ислом Каримов шу йил 4 апрель куни мазкур йўлнинг Сергели тумани ҳудудидаги йирик чорраҳада барпо этилган 49 метр узунликдаги йўл ўтказгич ва Эркин қўрғони оралиғида қурилган 3,7 километрли янги йўлни бориб кўрганида мутасаддиларга Тошкент катта ҳалқа йўлининг учинчи - якуний босқичида амалга ошириладиган ишлар юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли кўрсатма ва тавсиялар берган эди.

— Ҳозир йўл қурилишида юзлаб малакали ишчи ва хизматчилар икки сменада меҳнат қилмоқда, — дейди «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Автомагистраль» ихтисослашган автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш бирлашмаси раиси Улуғбек Муслимов. — Қурилиш материаллари ўз вақтида, пешма- пеш етказиб берилаяпти. Қурувчиларимиз икки юздан ортиқ қурилиш машина- механизм ва бошқа техника воситаларидан самарали фойдаланмоқда. Улар учун барча зарур маданий-маиший шароит яратилган.

«Йўл-лойиҳа бюроси» шўъба корхонаси ҳамда «ТошкентбошпланЛИТИ» институти томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида барпо этилаётган ушбу йўлда транспорт ечими, иккита йўл, биттадан сув ва муҳандислик коммуникация ўтказгичлари қурилмоқда.

Эркин қўрғони ҳудудидан ўтадиган Катта ўзбек трактида улардан бири - эни 24 метр, узунлиги 36 метрлик автомобиль йўл ўтказгич қурилиши жадал давом этмоқда.

—Темир йўл остидан ўтадиган тоннель қурилиши поездлар қатновига таъсир этмайди, — дейди 13-кўприк қурилиш отряди бошлиғи Абдулла Юсупов. — Пойтахтимизнинг катта ҳалқа йўли туташадиган каналдаги сув ҳам тўхтатилмайди.

Қурилиш электр, газ таъминоти, оқава сув хўжалиги ходимлари, алоқачи ва бошқа бир қатор ёрдамчи ташкилотларнинг мутахассислари билан ҳамкорликда босқичма-босқич амалга оширилаётгани ишни тез ва сифатли бажариш имконини беряпти.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, янги йўлнинг умумий узунлиги, транспорт ечимларини қўшиб ҳисоблаганда, 4,1 километрни, эни 26 метрни ташкил этади. Замон талабларига мос бунёд этилаётган бу йўлнинг ҳар икки томонида уч қатордан автомобиль бемалол ҳаракатлана олади.



Шу пайтгача мамлакатимизнинг жанубий ва шимолий вилоятларидан келаётган катта транспорт оқимининг бир қисми водий вилоятларига пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги кўчаси орқали ўтар эди. Эндиликда бундай ортиқча ташвиш ва муаммоларга чек қўйилади.

Ҳисоб-китобларга кўра, катта ҳалқа йўл орқали пойтахтимизга ҳар куни 24 мингдан зиёд транспорт воситаси кириб келади. Тошкент катта ҳалқа йўли тўлиқ фойдаланишга топширилиши билан пойтахтимизга кириб ўтадиган бундай транспорт воситалари сони кескин камаяди.

Айни вақтда «Олмаота-Бишкек - Тошкент-Термиз», «Тошкент-Душанбе», «Тошкент-Ўш» халқаро автомобиль йўллари бир-бири билан туташади. Бу эса минтақамиздаги мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга, бинобарин, халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири

ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ (ОТБ) ИЖРОЧИ ДИРЕКТОРИ ЧОЛ-ХВИ ЛИ 21 ИЮНЬ КУНИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ҚАТОР ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси С.Раҳимов билан мулоқотда Ўзбекистон билан ОТБ ўртасидаги алоқалар жадал ривожланиб бораётгани, иқтисодий инфратузилмани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳалари ижросида мазкур молиявий муассаса мамлакатимизнинг яқин ва фаол ҳамкорларидан экани қайд этилди.

Меҳмон Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг зарур ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилганини алоҳида қайд этди. Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонлар учун қулай сармоявий муҳит яратилганига, бунинг учун тегишли қонуний ҳужжатлар ишлаб чиқилганига юқори баҳо берди.

Учрашувда ҳамкорликнинг ҳозирги босқичи муҳокама этилиб, алоқаларнинг янги йўналишларига оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Юртимизда мазкур молиявий муассаса билан ҳамкорликда умумий қиймати 914,7 миллион АҚШ долларига тенг 19 лойиҳа амалга оширилмоқда. Улар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, умумтаълим мактабларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан Осиё тараққиёт банки ўртасида иккита грант-шартнома имзоланди. Ҳужжатларга биноан Осиё тараққиёт банки Ўзбекистонда имконияти чекланган болаларнинг умумий таълимини такомиллаштириш ва таълим соҳасидаги ислоҳотларни қўллаб- қувватлаш учун умумий қиймати 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратади.

ОТБ «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясини замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш лойиҳасида ҳам қатнашмоқда. Чол-Хви Ли мазкур корхонада ҳам бўлиб, у ердаги иш жараёнлари билан танишди.

ЎзА

ПОЙТАХТ ЯНАДА ФАЙЗЛИ БЎЛАДИ

ТОШКЕНТ АСОСЛИ РАВИШДА ДУНЁНИНГ ЭНГ ЧИРОЙЛИ ШАҲАРЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан пойтахтда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Янги йўллар ва кўприклар қурилмоқда, ўзига хос лойиҳалар бўйича маъмурий ва тураржой бинолари бунёд этилмоқда, боғ ва хиёбонлар яратилмоқда. Севимли шаҳримиз замонавий мегаполисга айланмоқда, айни пайтда Шарқнинг анъанавий тарихий ва маданий қирраларини асраб-авайлаш эвазига ўзига хослиги сақланмоқда.

Шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасида ўтказилган учрашувда шу ҳақда гапирилди. Учрашув «Экосан» экология ва саломатлик халқаро ташкилоти билан биргаликда ташкил этилди. Унда бошқарма ходимлари, экологлар, журналистлар иштирок этди. Улар ўз чиқишларида катта шаҳардаги экологик вазият доимий эътиборни талаб этишини таъкидладилар.

Амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини кучайтириш, шаҳар туманларининг санитария-гигиена ва экология вазиятини яхшилаш мақсадида «Экосан» ташаббуси билан «Пойтахтнинг энг обод ва кўкаламзор ҳудуди» танлови эълон қилинди. Унда 11 та туман ва 4 та махсус ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бошқармалари иштирок этади.

Танлов натижалари жорий йилнинг ноябрида эълон қилинади ва фаолияти қатор мезонларга жавоб берадиганлар ғолиб бўлади. Булар орасида ўтказилган дарахт ва гул кўчатлари, агротехника ишларининг амалга оширилиши, техника ва ускуналар билан таъминланиш даражаси, ёқилғидан тежаб- тергаб ва оқилона фойдаланиш, чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиш каби мезонлар бор.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига

БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ ВА САРКАРДА

БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ ВА САРКАРДА АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 670 ЙИЛЛИГИ РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ КАБИ ДУНЁНИНГ КЎПГИНА МАМЛАКАТЛАРИДА ҲАМ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА.



Мазкур сана муносабати билан илмий анжуманлар ўтказилмоқда, буюк аждодимизнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган материаллар эълон қилинаётир. Жумладан, Италиянинг Марко Поло институти томонидан нашр этиладиган «Марко Поло» журналининг 2006 йил 2-сонида махсус мақола босиб чиқарилган.

Қуйида ушбу мақола чоп этилмоқда. 2006 йил 9 апрель куни Ўзбекистонда буюк давлат арбоби ва саркарда, Европада «Тамерлан» деган ном билан машҳур бўлган Амир Темурнинг туғилганига 670 йил тўлиши кенг нишонланди.

1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг илк кунларданоқ, кўп асрлар давомида аждодлар томонидан яратилган улуғ, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Машҳур давлат арбоби, Ўрта асрлар ислоҳотчиси, саркарда, адолат учун толмас курашчи, илм-фан ва маданият раҳнамоси Амир Темур даврида илм-фан, маданият ва таълим мислсиз даражада юксалди.

Сиёсий майдонга қадам қўйганида Амир Темур эндигина 24 ёшга кирганди. Мамлакат пароканда, маҳаллий сиёсий кучлар ўртасидаги ўзаро қарама- қаршиликлар авж олганди. Устига устак, Чингизхон авлодлари Мовароуннаҳрга тез- тез босқин уюштириб турарди.

Тахминан бир аср давом этган бу даврда Мовароуннаҳрнинг истибдод аламини тортган оддий фуқароларидан то йирик сиёсий арбобларию дин пешволаригача жуда ҳам оғир кун кечирдилар. Жамиятга озодликка ва тараққиётга бўлган интилишларни ўзида мужассам этган халоскор, доҳий зарур эди. Тақдир тақозоси билан Амир Темур ана шундай халоскор ва йўлбошчи сифатида тарих саҳнасида пайдо бўлди.

1370 йилда Амир Темур Балҳда бўлиб ўтган қурултойда Мовароуннаҳрнинг улуғ амири деб эълон қилинди. Тарқоқликни бартараф этиб, айрим ўлкаларни ягона давлатга бирлаштириш Амир Темурнинг асосий мақсади эди. У давлатнинг пойтахти қилиб Сўғдиёнанинг қадимий пойтахти бўлган Афросиёб харобалари ёнидаги Самарқандни белгилади ва янги шаҳарга асос солди.

Амударё билан Сирдарё оралиғи, шунингдек, Фарғона ва Шош вилоятларини бирлаштириб ўзига бўйсундиргандан кейин Амир Темур бошқа мамлакатларга ҳарбий юришларга киришди.

Амир Темур салтанати Ўрта Осиёда 35 йил (1370-1405) ҳукм сурди. У Марказий Осиё ҳудудларини ягона марказлашган давлатга бирлаштирди, Ҳинд ва Гангадан то Сирдарё ва Зарафшонгача, Тянь-Шандан то Босфоргача улкан империя барпо этди.

Амир Темур ҳарбий юришларининг билвосита оқибатлари улкан аҳамиятга эга: у Хитойда Минь сулоласи давлат бошига келганда мўғулларнинг Хитойга солаётган хавфининг олдини олди; Олтин Ўрдани енгиб Москва Руси учун ҳам худди шундай ёрдам кўрсатди. 1402 йилда усмонлилар султони Боязид устидан Европа учун катта аҳамиятга эга бўлган ғалабани қозониб, усмонлиларнинг Константинополни истило этишларини ярим асрга суриб юборди. Француз тарихчиси Р.Груссе 20-аср бошларида «Амир Темурнинг Боязид устидан ғалабаси христиан оламини асраб қолди», деб ёзган эди.

Тарих Амир Темурни македониялик Искандар, Доро 1, Юлий Цезарь каби йирик саркардалар билан бир қаторга қўяди. Амир Темур мингта жанг ўтказиб биронтасида ҳам енгилмаган машҳури замон саркарда сифатида, давлат тузилиши ишларига, илм-фан, маърифат, маданият тараққиётига улкан ҳисса қўшган сиёсий арбоб сифатида тарихга кирди.

Амир Темур тарафидан тарқоқ вилоятлар ягона давлатга бирлаштирилиб, марказий ҳокимият тузилиб барқарорлашгандан кейин, мамлакат иқтисодиёти мустаҳкамланди, савдо ва ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ривожлана бошлади, қўшни ва узоқдаги мамлакатлар билан савдо-хўжалик алоқалари кенгайди.

Амир Темур ҳаётлик пайтида давлат бошқаруви ҳақида «Темур тузуклари» деган номда машҳур бўлган махсус китоб ёзилган эди. Унда бу машҳур давлат арбоби ва саркарданинг ҳарбий санъатга, давлат тузилиши ва мамлакатни бошқаришга оид қарашлари акс этди.

«Куч адолатда» шиори бутун Амир Темур давлати ҳудудида ахлоқий ва маънавий мезонга айланди.

14-асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр Яқин ва Ўрта Шарқнинг тижорат, иқтисод ва маданият марказига айланиб борди. Чингизхон қўшинлари томонидан таг-тубигача вайрон қилинган Самарқанд, Кеш, Бухоро, Термиз, Тошкент, Марв, Ҳирот каби ва бошқа қадимий шаҳарлар обод бўла бошлади. Масжиду мадрасалар, мақбаралар, карвонсаройлар ва ҳаммомлар қурилди.

Улкан ва бепоён мамлакатнинг пойтахти рутбасини олган Самарқанд, Амир Темурнинг ниятига кўра, куррайи заминдаги энг чиройли шаҳарга айланиши керак эди. Самарқанд Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёнинг энг яхши меъморлари тўпланган шаҳарга айланди. Меъмор ва бунёдкор усталарнинг баҳамжиҳат саъй-ҳаракатлари туфайли жаҳон меъморчилигида янги йўналиш пайдо бўлди ва у ижоднинг гўзал намуналарини инъом этди

Амир Темур ҳаётлик пайтида бунёд этилган ўнлаб меъморий ёдгорликлар инсон тафаккури, ақли ва салоҳиятининг беназир тажассуми эди.

Амир Темур 12-асрда яшаган ислом илоҳиётчиси, шоир ва мутафаккир Хожа Аҳмад Яссавий даҳосига эҳтиром кўрсатиб, унинг шарафига Туркистон шаҳридаги кичик дахма устида улуғвор мақбара бунёд эттирди. Мақбара бугунги кунда ҳам ўзининг салобати, кўрки ва ажойиб сопол безаклари билан кишини ҳайратлантиради.

Хожа Аҳмад Яссавий адолатни, инсоннинг ахлоқий покланиш ва комилликка эришиш ғояларини тарғиб этгувчи сўфийликнинг «яссавия» тариқати асосчиси эди. Амир Темур Хожа Аҳмад Яссавийни ўзининг пири деб билар, динга кишиларни маънавий ва ахлоқий камолотга етакловчи, мамлакат куч- қудрати ва улуғворлигини мустаҳкамловчи куч сифатида ёндашарди.

15-аср тарихчиси Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур «ободончиликка арзийдиган бир қарич ҳам ер бўш қолмасин», деб қайғурарди.

Улкан ва қудратли салтанат барпо этган Амир Темур янгича тарихий вазиятда мамлакатда маънавиятнинг гуллаб-яшнаши, юксалиши ва ўтмиш даврларнинг олий анъаналари тикланиши учун шарт-шароит яратди. Амир Темур ва Темурийлар сулоласи вакилларининг гуманитар соҳаларга алоҳида эътибори туфайли XIV-XV1 асрларда юксак илмий ва ижодий ютуқларга эришилди.

Амир Темур ва Темурийларнинг аёлларга бўлган меҳрибонларча муносабатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Амир Темур ўзининг суюкли рафиқаси Бибихоним шарафига Самарқандда улуғвор жоме масжид қурдирди. Бибихоним номи билан аталувчи бу масжид Амир Темур даврининг энг маҳобатли биноларидан бири саналади. Масжид 1399-1404 йилларда қурилган ва ҳозирга қадар яхши сақланган. Буюк бобокалонидан ўрнак олган бобурий Шоҳжаҳон суюкли рафиқаси Мумтоз Маҳал бегим учун 1652 йилда мақбара — дунё мўъжизаларидан бирига айланган нодир меъморий ёдгорлик қурдирди.

Амир Темур ва Темурийлар даврида адабиёт, амалий ва тасвирий санъат ривожланди. Айниқса, исломга қадар мавжуд бўлган деворий монументал расм ва китоб миниатюраси санъати юксалди.

Амир Темур тарихда моҳир дипломат ва давлатлар ўртасида яхши муносабатларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқаларини йўлга қўйиш тарафдори сифатида чуқур из қолдирди. У Европа ва Осиё ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишларни амалга оширди. Соҳибқирон дунёнинг турли мамлакатлари билан алоқалар ўрнатди: бир тарафдан - Хитой, Ҳиндистон, иккинчи тарафдан - Франция, Англия, шунингдек, Усмонлилар империяси, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар.

Амир Темур савдо-иқтисодий муносабатлар орқали халқлар ва мамлакатлар орасида ягона макон яратишда мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. У Испания қироли Генрих III, Франция қироли Карл IV, Англия қироли Генрих саройларига элчилар йўллади; айни пайтда ўз саройида испан, француз, инглиз, хитой ва бошқа хорижий мамлакатларнинг элчиларини қабул қилди.

Амир Темур умрининг кўп қисмини юришларда ўтказди. Шарққа қилган юриши пайтида Амир Темур 1405 йил 18 февраль куни Ўтрор шаҳрида вафот этди. Унинг жасади Самарқандга олиб келиниб, 23 февраль куни Гўри Амирда, набираси Муҳаммад Султон дахмасида дафн қилинди.

Европалик олимлар Амир Темур ва унинг фаолияти ҳақида бундан тўрт юз йил илгари гапира бошлаган эди. 1553 йилда Флоренция (Италия)да итальян олими Перондино қаламига мансуб «Скифлик буюк Тамерлан» китоби босилиб чиқди. Бу Европада Амир Темур ҳақидаги илк илмий тадқиқот ҳисобланади.

Европа тилларида (испан, инглиз, француз) эълон қилинган ёзма манбалар ичида биринчи ўринда испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406)» туради. Буюк Рембрандт Бобурийлар замонидаги ҳинд миниатюраларидан илҳомланиб, Амир Темурни унинг ворислари Умаршайх, Заҳириддин Бобур, Ҳумоюн ва Акбар даврасида тасвирлайди.

XУ1 асрда яшаган машҳур инглиз шоири ва драматурги Кристофер Марлонинг «Буюк Темур» номли трагедиясида ёш Темурбек ўзининг тенгсиз ақли, салоҳияти ва шижоати билан жаҳон тарихидаги қудратли подшолардан бирига айлангани намойиш этилган. Трагедия XУП асргача саҳнадан тушмай, Англияда театр мавсумини бошлаб берган.

Бир неча европалик бастакорлар операларда Амир Темур образини яратганлар. XУП аср бошида итальян бастакори Гаспирни «Тамерлан» операсини яратди. Мазкур опера Вена театрида саҳна юзини кўрди. Бастакор Лео уни Неаполь театрида саҳналаштирди. Антонио Вивальди, Сколари, Гендель ва бошқа бастакорлар ҳам бу мавзуда мусиқа асарларини яратганлар.

Бугун жаҳоннинг элликдан ортиқ мамлакатида темуршунос олимлар илмий изланишлар олиб бормоқда. Темур ва Темурийлар даврига бағишланган кўплаб китоблар чоп этилмоқда. Ўтган олти юз йил мобайнида Европа тилларида Амир Темурга бағишлаб ёзилган салмоқли асарларнинг сони 500 га етди, Шарқ тилларида эса 900 дан ошди.

Русчадан
М.АҲМЕДОВ таржимаси

Қарор ва ижро

МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИШМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2005 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2006 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ МАСАЛАСИНИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАБ ЎТДИ.

Маърузада уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги бошқарувни тубдан яхшилаш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари мақомини, ташкилий ва молиявий мустақиллигини, фаолиятининг самарадорлигини оширишга катта аҳамият берилди.

— Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, — дейди Мирзо Улуғбек тумани хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси Баҳодир Поёнов.— Президентимизнинг 2005 йил 10 февралдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори соҳада юзага келган муаммоларни ечишда дастуруламал бўлмоқда. Уюшмамиз ҳам ана шу қарор асосида ташкил этилган бўлиб, туман ҳудудидаги ширкатлар фаолиятини яхшилаш, хизмат кўрсатувчи фойдаланиш ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишда, ширкат раисларини ўқитишда кўмаклашмоқдамиз. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бир ёки бир нечта уйни бирлаштирган ихчам ширкатлар ўзини ўзи бошқаришда муваффақиятга эришмоқда, уйлар эса намунали ва обод бўлиб бормоқда, яшовчиларга етарли қулайликлар яратилмоқда.

Туманимизда 1306 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, айни пайтда улар 156 та ширкатга бирлашган. Жорий йил бошидан буён 50 та ширкат ташкил топди, ширкатларнинг 20 таси битта кўп қаватли уйдан иборатдир. Мавжуд кўп қаватли уйларда 5203 та кириш йўлаклари мавжуд бўлиб, шулардан 2604 таси ўтган йилда таъмирланган бўлса, бугунги кунга келиб қолган кириш йўлакларининг 2572 тасида ишлар якунланди. 1 июль ҳолатига эса қолганлари ҳам тўла таъмирдан чиқарилади. Таъмирланган кириш йўлаклари мулкдорларга — уйларга уйбоши ва йўлакбошилар сайланиб акт асосида уларга топширилган. Асосий мақсад—хонадон эгалари онгига «Ширкат — бу биз» деган тушунчани сингдириш, уларни ҳамжиҳатликка чақириш борасида муваффақиятларга эришилмоқда.

Шунингдек, 1991 йилгача бунёд этилган турар жой биноларининг 126 тасида жорий йилда муҳандислик тармоқларини тубдан таъмирлаш режалаштирилган бўлса, айни долзарб пайтда бу борада кўзга кўринарли ишлар бажарилди. 38 та уйда тубдан таъмирлаш ниҳоясига етди, 65 тасида ишлар давом этяпти, 25 тасида эса бошланиш арафасида турибди.

Туманимизда ибрат оларли ширкатларимиз сафи ортиб бормоқда. Биргина «Адолат сари» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хусусида тўхталадиган бўлсак, бир уйдан иборат ушбу жамоада хонадон эгалари ва ширкат бошқаруви раисининг саъй-ҳаракатлари боис бино чинакамига чирой очди: фасади, том ва кириш йўлаклари таъмирланди. Яшовчилар ўз уйларини асрашмоқда, сақлашмоқда. 2 қаватли битта уйдан иборат «Догаз- Бахт» ХУЖМШ ҳам ўзини оқлади. Бу ерда ҳам ҳар бир муаммо эътиборда, қулайлик ва яхши шароитни яратиш эса ўз қўлларида. Болалар майдончаси эса кичкинтойларга севимли маскан, алоҳида қулайликдир.

Уйларнинг чиройини бузаётган, кўплаб хонадон эгаларига ноқулайликлар туғдираётган ноқонуний қурилма ва ўровлар олиб ташланиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг давом этаётгани яшовчиларни мамнун этмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойларида 292 та ана шундай ўзбошимчаликларга барҳам берилди.

— Ширкатларга амалий ёрдам беришда, рақобат муҳитини шакллантиришда профессионал бошқарув компаниялари фаолияти ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Ҳозирда туманимизда 6 та ана шундай бошқарув компаниялари ташкил этилган бўлиб, уларда ўз касбининг устаси бўлган чилангар, электрик, пайвандчи ва бошқа мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Йил охиригача уларнинг сонини 12 тага етказиш ниятидамиз. Бу, албатта, ширкатларга қулайлик туғдириб, ишончни оқлагани, сифатга эътибор қаратгани, буюртмани тез ва соз бажаргани рақобатда ютиб бораверади.

— Маълумки, жорий йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ана шу ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини англатишда нималарга эътибор қаратилмоқда?

— Ушбу янги таҳрирдаги Қонуннинг қабул қилиниши, албатта, уй-жой-коммунал соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу бугунги давр талаби эди. Ушбу қонуннинг асл мақсади кўп хонадонли уйларда уй-жой фондини биргаликда бошқариш ҳамда уни сақлаш, асраш ва таъмирлашни таъминлаш учун ихтиёрий бирлашма сифатида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

— Қонунда ширкатни ташкил этиш, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ширкатни бошқариш, ширкатда мулк ҳуқуқи ва мол-мулк масалалари батафсил кўрсатилган, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Рустам Хаджиев. — Буларнинг барчасини тўғри англаб, қонун асосида иш юритиш уй-жой-коммунал соҳадаги ислоҳотлар ривожида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам айни кунларда тумандаги барча ширкатларда ушбу ҳужжат юзасидан семинар-йиғилишлар уюштирилаётгани, соҳа ходимларининг тушунтиришлари яхши самара бериши аниқ. Негаки, туманимизда йил охиригача ширкатлар сонини 244 тага етказишни кўзда тутганмиз. Бунинг учун барча имкониятлар ишга солиниб, тушунтириш, тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Албатта, умумий мулкни хонадон эгаларининг ўзлари бошқарса, иш кўнгилдагидек бўлади, ободлик, қулайлик ортиб бораверади.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, ҳозир айни ёз палласи. Бу давр, шубҳасиз кузги-қишки тайёргарлик ишлари учун энг қулай имконият. Ана шу имкониятдан масъулиятни ҳис этган ҳолда фойдаланиш эса бесамар кетмайди. Жорий йилда 10 та турар жой биноси томини тубдан таъмирлаш режада бўлиб, бу 9972 квадрат метрни ташкил этади. 1 июлга қадар бу борадаги ишлар 100 фоиз адо этилади. Шунингдек, томларни жорий таъмирлаш режаси 135213 квадрат метрни ташкил этиб, режа асосидаги ишлар давом этмоқда. Иссиқлик қувурларини босим остида ювиш, иссиқлик бўғинларида профилактика ишларининг бажарилишини тез кунларда ниҳоялаш кўзда тутилган.

Масъулият бор жойда, албатта муваффақият, аҳиллик бор жойда эса самара бўлади. Бугунги кунда кўп қаватли уйларимиз кўрки, у ерда яратилган қулайликлар яшовчилар — хусусий уй-жой мулкдорларининг ўзларига боғлиқлигини дилдан ҳис этсак, кўзланган мақсад ижобат бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

ЯНА БИР ЯНГИ ТАЪЛИМ МАСКАНИ

ЯНГИ ЎҚУВ БИНОЛАРИНИНГ ҚАД КЎТАРИШИ, МАВЖУДЛАРИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ЖИҲОЗЛАНИБ, ТАЪМИР ТАЛАБЛАРИ ТУБДАН РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНИШИ ИЛМГА ЧАНҚОҚ ЁШЛАРИМИЗНИНГ БИЛИМ ОЛИШЛАРИ УЧУН ДАВЛАТ ТОМОНИДАН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТ ВА ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛАЁТГАНИДАН ДАЛОЛАТДИР.

Маълумки, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ўсиб келаётган авлоднинг узлуксиз таълим олиб, камолотга етиш жараёнини яхлит қамраб оладиган ягона тизим ҳисобланади. Албатта, таълим тизимининг ҳар бир бўғини алоҳида аҳамиятга эга. Шу билан бирга дастурда кўзланган вазифаларнинг тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши ана шу бўғинларнинг ривожланиши ҳамда ўзаро уйғунлигига боғлиқдир.

Юнусобод туманида қад ростлаётган янги академик лицей биноси дастурда қайд этилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг модий-техник негизини яхшилаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг исботидир. Уч қаватдан иборат ўқув биноси мажмуасида мажлислар ҳамда спорт заллари, теннис корти, шунингдек галерея — шийпонлар жойлашиши кўзда тутилган. Лойиҳанинг яна бир эътиборли томони шундаки, ўқув хоналари кенг ва баланд бўлади.

— Ушбу манзил бўйича илгари жойлашган мактаб биносини реконструкция қилиш ёки таъмирлашнинг имконияти бўлмаганлиги сабабли янги қурилиш режалаштирилди, — дейди бош пудратчи ташкилот вакили — махсус ишлар бошқармаси қурилиш бирлашмасининг иш юритувчиси Носир Алимов. — Объектга 80 дан зиёд қурувчилар жалб этилган бўлиб, иш жараёни қизғин, икки босқичда амалга оширилмоқда. Барча қурилиш ашёлари вақтида етказиб турилмоқда, демак объектни муддатида — янги ўқув йилига топшириш учун барча имкониятлар бор.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буюртмаси асосида қурилаётган мазкур таълим муассасаси Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицей сифатида 450 нафар ўғил-қизларнинг бир нечта йўналиш бўйича таҳсил олишига хизмат қилади.

Шаҳло ҲОШИМОВА

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ ПАРИЖ МУЗЕЙИДА

ВАТАНИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСИГА ОИД 507 ТА ЭКСПОНАТ ПАРИЖДАГИ БРАНЛИ СОҲИЛИ БЎЙИДАГИ ЯНГИ МУЗЕЙНИНГ ОСИЁ КОЛЛЕКЦИЯСИДАН ЖОЙ ОЛДИ.

Франция президенти Жак Ширак Парижнинг Бранли соҳилида янги музей ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Янги музейда Осиё, Африка, Океания ва Америка халқлари тамаддунига хос осори атиқалар намойиш этилмоқда. Мазкур тарихий ва илмий муассасани ташкил этишдан мақсад турли — туман санъат ва маданиятлар воситасида башарият тафаккурининг ўзига хос умумий томонлари мавжуд экани ва дунё халқларининг бир-бирларини англашда ушбу жиҳат муҳим ўрин тутишини кўрсатишдан иборат.

Бу ғоя Франциянинг ҳозирги замон шароитида маданиятлар ҳамкорлиги ва маданий хилмахилликни ривожлантиришга қаратилган халқаро сиёсатининг яққол инъикосидир. Айниқса, глобаллашув жараёнида бу жиҳат алоҳида эътиборга моликлигини Франция президенти 11 сентябрдаги террорчилик ҳаракатидан сўнг ЮНЕСКО минбаридан туриб қилган маърузасида таъкидлаган эди. Кўпгина нуфузли халқаро анжуманларда кўтарилган бу фикр 2005 йил 20 октябрда ЮНЕСКО томонидан 150 та давлат маъқулланган маданий меросни муҳофаза қилиш ва уни ривожлантириш Конвенциясида ўз аксини топди.

Эйфель минораси пойида очилган ушбу музей меъморий жиҳатдан ҳам катта воқеа бўлиши кутилмоқда. 40 минг квадрат метр майдонни ишғол қилган бу бино ўз маъносига кўра «ўрмон ичра жой олган музей» деб аталмоқда. Музейнинг бош биноси гўзал боғ бағрида қурилган бўлиб уни 15 минг дона чирмовуқ ва папоротник ўсимликларидан барпо этилган, катталиги бўйича дунёда ягона саналган «жонли девор» ўраб турибди.


Бранли соҳили бўйидаги музейга қўйилган 300 минг та экспонатлар ҳақидаги ахборот ва фотосуратлар Интернетда берилади.

Осиёдан келтирилган олтмиш мингдан зиёд экспонатлардан иборат осори атиқалар XIX аср охири ва XX асрлардаги маданий мерос, тарихий эврилишлар миқёсида халқларнинг замон ва макон аро ўзаро муносабатларига шоҳидлик беради. Улар Сибирдан то Ўрта Осиёгача, Ўрта Шарқдан Ҳиндистон ва Хитойдан ўтиб, то Япониягача бўлган ҳудудда яшаган халқлар ва элатларнинг маданий тараққиётидан ҳикоя қилади.

«Туркистон-пресс»

Умрим гулзорининг
сен гулғунчаси,
Муаттар атрингдан
сархушдир хонам.
Сен умид, орзу, бахт,
дил фариштаси,
Камол топ безавол
тургунча олам.

Чарх ур чаманзорда
мисли капалак,
Маҳзун юраклардан
ғубор йўқолсин.
Чирой оч кундан
кун навраста малак,
Дунё санамлари бош
эгиб қолсин.



БОЛАЛАР КУТУБХОНАДА

«ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН!» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТАЪТИЛ ВАҚТЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАҚСАДИДА "КАМОЛОТ" ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТОМОНИДАН ҚАТОР ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА. УЛАРНИНГ НАВБАТДАГИСИ ПОЙТАХТНИНГ ҲАМЗА ТУМАНИДАГИ А.ПУШКИН НОМИДАГИ МАРКАЗИЙ КУТУБХОНАДА БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда туман маҳаллалари болалари иштирок этишди. Учрашувда кутубхона тарихи, бошқарув тизими, мавжуд адабиётлардан фойдаланиш йўллари ҳақида маълумотлар берилди.

ЎҚУВ КУРСИГА МАРҲАМАТ

ПОЙТАХТДАГИ "DEDEMAN SILK ROAD" МЕҲМОНХОНАСИДА ЎЗБЕК-ЯПОН МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ПРОФЕССИОНАЛ МЕНЕЖМЕНТ БЎЙИЧА НАВБАТДАГИ ЎҚУВ КУРСНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишида Ўзбек-Япон марказининг ўрни катта. Марказ қошида ташкил этилган ва турли соҳаларга йўналтирилган ўқув курслари юртимиз мутахассисларининг малакасини оширишда кўмак бермоқда. Марказ ташаббуси билан анъанавий тарзда ташкил этиладиган профессионал менежмент дастури саккизинчи бора ўтказилмоқда. Мазкур дастур доирасида ўтказиладиган ўқув курслари мамлакатимизнинг ишбилармон соҳа вакиллари учун мўлжалланган. Беш ой давомида иштирокчилар япониялик мутахассислар ёрдамида замонавий бизнес ва бу соҳадаги халқаро тажрибаларни ўрганишади.

Тадбирда ўтган давр давомида эришилган ютуқлар, навбатдаги бизнес курси ва унинг шартлари ҳақида маълумотлар берилди. Машғулотлар шу йилнинг сентябрь ойида бошланади. Ҳужжатларни қабул қилиш 30 июлга қадар давом этади.

"Туркистон-пресс"

ВАТАНПАРВАР

САРЛОЧИНЛИК ҒУРУРИ, ФАХРИ

ВАРРАГИНИ УЧИРАЁТГАН БОЛАНИНГ ШОДЛИГИНИ, ҚУВОНЧИНИ ҲЕЧ КУЗАТГАНМИСИЗ? ГЎЁ У ШАМОЛГА ҚАСДМА-ҚАСД ЮГУРАЁТГАНДЕК. ВАРРАГИ ШАМОЛДАН-ДА ТЕЗ, ҚУШЛАРДАН-ДА БАЛАНД УЧСА. БИЛСАНГИЗ ВАРРАГИ УНИНГ ОРЗУЛАРИДАН ЯРАЛГАН. БОЛАЛИККА ХОС ВА МОС БЕҒУБОР, ЮКСАК-ЮКСАК ОРЗУЛАРИДАН. ҲА, ОРЗУЛАРИ ҚАНОТЛАРИДА БАЛАНДЛИК, КЎККА ПАРВОЗ, БУЛАРДАН ЗАВҚУ ШАВҚ ТУЙИШ БОР.

Лавҳамиз қаҳрамони майор Музаффар Машариповнинг болалиги ҳам ана шундай лаҳзаларга бой бўлган. Бундайин пайтларда кўнглида «учувчи бўламан, космонавт бўламан», деган орзу ҳам пайдо бўлгани шубҳасиз. Шуниси билан беғуборда, болалик.

Полигон командирининг парвозлар бўйича ўринбосари вазифасида хизмат қилаётган бу офицер Қуролли Кучларимизнинг 14 йиллик тўйида Президентимизнинг Фармонига кўра «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Келинг, юксак давлат мукофотига сазовор бўлган бу ҳарбийнинг ҳаётига, фаолиятига бироз назар ташлайлик.

Ўтган йил кузда ҳамкорликда ҳалқаро ўқув машғулотлари ўтказилди. Машғулотлар, уларга тайёргарлик жараёнида иштирок этганман. Полигонда юрганимда ҳарбий журналист ҳамкасбларимдан бири мени майор Машарипов билан таништирганди. Аниқроғи машғулотларга тайёргарлик жараёнида. «Тайёргарликлар қандай, машғулот иштирокчиларини ҳаводан қўллаб-қувватлашга шаймисизлар?», қабилидаги саволимга у «Буни вақт кўрсатади. Осмонимиз сарлочинлари ҳамиша ҳаво сарҳадларимиз ҳимояси йўлида камарбаста», деганча аниқ, лўнда жавоб берди. Мен офицернинг бу жавобида қатъиятни, шижоатни, ўзига ишончни ҳам ҳис қилгандек бўлдим.

—Иккинчи ўқув нуқтасидамиз. Шартли равишда олинган ҳалқаро террорчилар ўқув нуқтаси жойлашган дара орқали шерикларига мадад кучларини олиб боришмоқда. Уларнинг йўлига тўғаноқ бўлиш, шартли душман гуруҳини бартараф этиш лозим. Пиёда қўшинларимиз қулай марраларга жойлашиб олишган. Шунда сарлочинларимиз дастлаб «жанг»ни бошлаб беришди. Ҳаводан бўлган ҳужум шартли душманни пароканда қилди. Уларни тартибсиз хатти-ҳаракат қилишга олиб келди. Ана шунда қулай марраларга жойлашиб олган посбонларимиз ҳужумга ўтишди. Хуллас, ҳарбийларимизнинг ҳавода ва ердаги ўзаро ҳамкорликлари ўз самарасини берди. Ҳа, мазкур ўқув нуқтасида посбонларни авиациянинг, аниқроғи жанговар вертолётларнинг қўллаб-қувватлагани, шартли равишдаги террорчиларга ҳаводан туриб зарбалар берилгани машқлар муваффақиятини таъминлади. Бу борада полигон бошлиғининг парвозларни бошқариш бўйича ўринбосари, майор Музаффар Машарипов шундай деганди:

-Ўзларингиз кузатиб, гувоҳи бўлдингиз. Иккинчи ўқув нуқтасидаги машқлар вертолётларнинг ҳаводан туриб душманга зарба бериши билан бошланди. Ҳаво лочинларимиз нишонларга бехато отишди. Бу ўринда истиқлолимиз меваси бўлган Жиззах авиация олий ҳарбий билим юртининг битирувчиси, машқда парвозлар бошлиғи вазифасини бажарган катта лейтенант Тўлқин Норматовнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

Музаффар ўзи, машғулотдаги иштироки ҳақида камтарлик қилиб, ҳеч нима демади. Аслида ўқув объектларини, нишонларни тайёрлаш, парвозлар жараёнини бошқаришдек масъулият ўзининг зиммасида эди. Буни эплади, дейиш ҳам гапми, қойилмақом қилиб бажарди.

Бу қаҳрамоним ҳақидаги илк тасаввурларим эди. Давлат мукофотини олганидан кейин у билан яқиндан танишдим. Турмуш ўртоғи Сурайёҳон билан ҳам суҳбатлашдик. «Медалнинг тенг ярми сизники», дейман унга ҳазиллашиб. «Бемалол ҳаммаси деяверинг. Биз бурчимизни оғишмай бажаришимиз учун оилавий барқарорликни таъмин этадиганлар, демакки кўнглимизни тўқ қиладиганлар шулар-да», дейди Музаффар. Бу самимий гаплар замирида меҳрни, ўзаро муҳаббатни туйдим. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас-да. Бурчига, Ватанига муҳаббатли инсон табиийки оиласига ҳам муҳаббат қўяди-да. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, бу аҳил оиланинг Озода ва Шоҳруҳ исмли фарзандлари бор.

Майор Музаффар Машарипов билан суҳбатлашдим, қалбига қулоқ тутишга ҳаракат қилдим. Бир нарсани англаб етдимки, уни миллий армиямизда хизмат қилишдек ғурур, фахр бошқаряпти. Унинг бахти ҳам, қувончу шодлиги ҳам ана шунда.

Майор Шерзод ТОЛМАСОВ



ӨЗ-ӨЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛАР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҒАЗАБНИНГ ЗАРАРЛАРИ

Бир ҳакимдан:

—Одамни эзадиган юклар ичида оғирроғи нима?—деб сўрашди.

—Ғазаб юки!—деди унга ҳаким.

Ғазаб—асабнинг қушандаси ва юракнинг эгови.

Айтадилар:

—Кимнинг ғазаби кўп бўлса хатоси кўп бўлади.

Сўрадилар:

—Одамларга ёқимли бўлиш учун нима қилиш керак?

Айтади:

—Ғазабланма!

ҲИКМАТЛАР

●Оз нарса билан иззатда бўлмоқ—кўп нарса билан бекадр бўлгандан афзал.

●Кишининг қийинчилик тортиши осончиликка етишишнинг даракчисидир.

●Доно кишиларнинг ақли қалам учларининг остида.

КАМТАРЛИК

Камтарлик ўз тенгдошларинг ва бошқалар олдида ўзингни улуғ қилиб кўрсатмаслигингдир. Бундан ташқари уларга ўз куч-қудратингни намойиш қилиб мақтанмаслигинг ва улардан бошқа хусусиятларинг билан ўзингни устун деб ҳисобламаслигинг ҳам камтарлигингни кўрсатувчи белгилардир. Мана шуларга амал қилган йигит ҳақиқий йигитга айланади.

Сен ўзингдан улуғроқ кишини кўрсанг, ўзингга айт: «У яхши ишларда мендан ўзиб кетибди, демак, у мендан яхши». Борди-ю, ўзингдан кичикроқ кишиларни кўрсанг ўзингча ўйла: «У гуноҳсиз, менинг эса ёмон феъл ва ёмон ишларим бор». Чунки ҳар қандай инсон ўз қадрига нисбатан ўзини пастроқ тутиб юрса, одамлар уни юқорига кўтаради, ҳар ким ўз қадрига нисбатан ўзини юқори қўйса одамлар назарида унинг қадри пастлашади.

Бузургмеҳрдан: «Одамлар ҳасад қилмайдиган улуғ неъмат нималигини биласанми?» — деб сўрашди: «Ҳа, бу камтарлик!» — деб жавоб берди у. Яна ундан: «Одамларнинг раҳми келмайдиган бало ва қулфат эгаси ким эканини биласанми?» — деб сўрашди. «Ҳа, бу манманлик!» — деб жавоб берди Бузургмеҳр.

Ҳикоят. Она эрталаб ўз ўғли Товфиққа деди: «Сен ҳозир мактабга жўнашинг керак, кел, қараб кўрай-чи, уст-бошинг тозамикин».

Бола унинг олдига келганда онаси қаттиқ қойишга тушди:

—Юзларингни совунлаб ювиб, сочларингни яхшилаб тарамасдан аввал мактабга боришинг уят. Тугмаларингни қара, қадалмаган, кўйлакларингга эса доғ тегизибсан. Эрталаб турган пайтда сенинг энг биринчи вазифанг озодаликдир. Бу соҳада эса ўз ота-онангдан ибрат олишинг зарур. Билиб қўйки, сени шу синфда ҳозир бўлишинг ўқитувчи учун таҳқир ҳисобланади. Нима, бизда тозаликка риоя қилиш учун шарт-шароит йўқми? Бор! Ана у ерда жом, сув, совун, тарок, сочиқ ва чўтка турибди!

Товфиқ онасининг сўзларидан қаттиқ изза тортиб, ўз хонасига қайтди. Сўнг юз-кўлларини совунлаб ювди, тишларини тозалади, оёқ кийимини артиб, ипларини боғлади, сочларини тараб бўлгач, китобларини сумкасига жойлаб, хурсанд ҳолда мактабга жўнади.

ТЎҒРИЛИК

Инсондаги ажойиб хулқлардан бири тўғриликдир. Тўғрилик оламдаги ҳамма ишларнинг тартиб ва маромда кетишини таъминлайди. Тўғрилик издан чиқдими, демак, ҳамма ишлар тартиби бузилади. Хоҳ катта ва улуғ ишлар бўлсин, хоҳ кичкина ва арзимас амаллар бўлсин, агар диққат кўзи билан қарасанг, уларга тўғрилик бўлмаса, ҳаммаси хароб бўлади. Барча турдаги ишларнинг бари тўғрилик билан барқарор, шу ишларни амалга оширувчилар эса тўғрилик билан бардам ва устивордирлар.

ОМОНАТ

Ўзга кишиларнинг сенга ишониб топширган нарсаси ёки раво кўриб айтган сирини маҳкам тутиш, хиёнат йўлига кириб, ошкор қилмаслик омонат қоидасига амал қилишингдир. Инсоннинг ҳақиқий ишончга сазоворлиги унинг омонатга хиёнат қилмаслиги орқали синалади.

ҲИКМАТЛАР

●Илм—юксак тоғ, унга чиқиш қийин, нодонлик—чуқур чоҳ, тушиш осон, чиқиш қийин.

●Илму ҳикмат натижаси—яхшилик, илмсизлик натижаси—ёмонлик.

●Илм—қоғозни бўяш ва нақш солиш эмас, англаш ва мияга жойлашдир.

●Камтарлик ва хушфеъллик икки буюк қувват бўлиб, пасткашлик хислатларини киши вужудидан қувади ва олий фазилатларга етказади. Шунинг учун айтадилар: «Бахиллик ва нодонлик аралашган камтарлик одоб ва саховат аралашган манманликдан яхшироқ!»

●Ўз қадру қимматига нисбатан ўзини баланд қўйган кишининг ҳаётида хавфу хатар катта бўлади.

●Ўттиз икки тиш орасидан чиқиб кетишга муваффақ бўлган сир, ўттиз икки маҳаллага тарқалиши шубҳасиз.

●Чақирилмаган ерга келган одам супурилмаган ерда ўтиради.

●Айбсиз одамни кўрганда ҳасадгўйнинг жаҳли чиқади.

●Бахил одам йўлдош бўлмайди, борди-ю, йўлдош бўлиб қолса, қорни шишиб ўлади.

●Бахил яхшиликни ёмон кўради, ёмонликка қарсак уради.

●Ҳар қандай оловни сўндириш мумкин, аммо бахиллик оловини сўндириб бўлмайди.

●Сенинг уч дўстинг бор: ўз дўстинг, дўстингни дўсти ва душманингни душмани.

●Нодоннинг фойдасига гапирсанг жаҳли чиқади.

●Шараф наслу насаб билан эмас, фазлу адаб билан топилади.

●Салом борки, ундан ширин суҳбат туғилади. Салом борки, ундан бўҳтон ёғилади.

●Такаббурга салом берма. Саломга жавоб бериш унга оғир келади, жавоб бермагани сенга оғир келади.

●Тухум ўғирлаган одам туя ҳам ўғирлайди.

●Сиринг ҳамон ичингда экан, у сенинг асирингдир, ташқарига чиқса сен унга асир бўласан.

●Бетга боқма, танга боқма, ичидаги жонга боқ.

●Юзинг қора бўлса айб эмас, юрагинг қора бўлмасин.

●Яхшиликни кўп қилган одамнинг пушаймонлиги кам бўлади.

●Ҳар қандай нарсада исрофгарчилик бор, аммо яхшиликда исроф бўлмайди.

Абитуриент — 2006

ОФИЦЕР БЎЛИШГА ЧОҒЛАНАР ЙИГИТ

МАЪЛУМКИ, ИСТИҚЛОЛГА ЭРИШИЛГАН ИЛК ЙИЛЛАРДАНОҚ ТАЪЛИМ СОҲАСИГА, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАСИГА УЛКАН ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ. БУНДАН ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИ ҲАМ МУСТАСНО ЭМАС. АХИР, АСОС СОЛИНГАН АРМИЯМИЗ САФЛАРИНИ МИЛЛИЙ КАДРЛАР ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИШ МАСАЛАСИ КУН ТАРТИБИДА ДОЛЗАРБ БЎЛИБ ТУРГАНДИ-ДА. ЭНГ МУҲИМИ ЭСА УНИ МАЛАКАЛИ, ЕТУК КАДРЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШ МАСАЛАСИ ЭДИ. БУГУН БУ БОРАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ САМАРАСИНИ КЎРГАНДА КЎЗ ҚУВНАЙДИ.



Маълумки, 2005 йилда Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳарбий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармойиши эълон қилинганди. Мазкур ҳужжатнинг муҳим томони, унда ҳарбий билим юртларига курсантлар ва тингловчиларни қабул қилишнинг ўзгартирилган, янги муддатлари белгиланган эканлиги хотирангизда бордир. Бунга кўра, абитуриентларнинг ҳар йилги тест синовлари 10 июлда, курсантларни олий ҳарбий таълим муассасасига қабул қилиш 15 июлда ўтказилмоқда. Бундан кўзланган мақсад нимада, деган ўринли савол туғилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, аввало ушбу Фармойиш олий ҳарбий таълим муассасаларини курсантлар билан бутлаш сифатини янада ошириш учун пухта тайёрланган ёшлар орасидан номзодларни танлаб олиш имкониятини яхшилайди. Қолаверса, олий ҳарбий билим юртларига ўқишга киришда тест синовларидан ўта олмаганлар бошқа олий ўқув юртларига ҳужжат топширишга улгуришади. Илгари олий ҳарбий билим юртларига қабул тестидан ўта олмаганлар бошқа олий ўқув масканларига ҳужжат топшириш, билимини қайта синаб кўришдек имкониятдан бебаҳра қоларди. Натижада тест бўладиган янаги йилни кутишига тўғри келарди. Ана, ёшларимиз учун Фармойишнинг моҳияти, яратаётган имконияти нимада.

Маълумки, айни кунларда жойларда олий ҳарбий билим юртларига ўқишга киришга даъвогарлар — абитуриентларнинг тегишли ҳужжатлар тайёрлаш, муқобил-тиббий комиссиядан ўтиши билан боғлиқ ишлари якунига етиб боряпти. Биз жойлардаги мудофаа ишлари бошқармаларида бўлганимизда абитуриентларнинг муқобил-тиббий комиссиядан ўтишаётгани, бошқарманинг масъул ходимларидан маслаҳатлар, йўл-йўриқлар олишаётганининг гувоҳи бўлдик. Уларни суҳбатга тортамиз.

— Мен Тошкент Ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлиги махсус факультетига ўқишга кирмоқчиман. Жисмоний тайёргарлик бўйича синовлардан ўтдим. Мана, энди муқобил-тиббий комиссия кўрикдан ўтказмоқда, — дейди Санжар Юсупов.

— Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг ойлик йиғинини 2005 йилда ўтадим. Ниятим офицер бўлиш — Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилиш. Шунинг учун Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кириш учун ҳужжатлар тайёрладим. Тиббий кўрикдан ўтяпман, — дейди Санъат Каримов.

Тавсияномa билан резервга бўшаган Ҳамро Исмоилов эса Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кириш учун ҳужжатлар тайёрлаётган экан.

Нияти, иштиёқи баланд, қатъияти, иродаси мустаҳкам бу йигитлар мардлар касбини танлаб, юртига муносиб посбон бўлишларига ишонамиз.

Майор Алижон САФАРОВ
Камолиддин Тўраев олган суратлар.



Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

ВАТАН ШУНДАЙ МАРДЛАРГА СУЯНАДИ

ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ, ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ОДАМЛАРНИНГ ҲАЛОВАТИНИ ЎҒИРЛАЁТГАНИНИ, ТИНЧЛИГИГА ДАХЛ СОЛАЁТГАНИНИ БИЛАМИЗ. ҲАЛИ ДУНЁНИНГ У НУҚТАСИДА, ҲАЛИ БУ НУҚТАСИДА МАЗКУР ОФАТ СОЛГАН, СОЛАЁТГАН ЖАРОҲАТЛАР ИНСОНИЯТНИ ЖУНБУШГА КЕЛТИРМОҚДА. ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, АСРИМИЗНИНГ БУ ОФАТИГА ҚАРШИ ЭНГ АВВАЛО ОГОҲЛИГИМИЗ, СЕРГАКЛИГИМИЗ БИЛАН КУРАШАМИЗ.

Айниқса, юртнинг қуролли ҳимоячилари доимо сергак, ҳушёр бўлишлари, жанговар шай ҳолатда туришлари лозим. Бу борада Президентимизнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган: «Бугун барчамиз қандай мураккаб замонда яшаётганимизни, ўйлайманки, яхши тушунамиз. Халқаро террорчилик, экстремизм, тобора кўлами кенгайиб бораётган наркоагрессия каби бало-қазолар мамлакатимизнинг ҳозирги куни ва келажаги учун жиддий таҳдидга айланмоқда». Бу хусусда фикр юритар экан, Юртбошимиз бундай вазиятда доимо ҳушёр ва сергак бўлишимизни, янги куч ва имкониятларимизни сафарбар этган ҳолда Қуролли Кучларимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашимизни эътироф этади.

Гапни бежиз мазкур мавзудан бошламадик. Негаки қаҳрамонимиз халқаро терроризм қиёфасини яхши билади. Ана шу офатнинг нуқси урган, буни касб қилиб олган нокаслар билан тўқнаш ҳам келган. Тўғри, бу борада гап очилгудек бўлса, шартнома бўйича хизмат сержанти Фармонбой Исматуллаев бироз оғринади. Юраги, қалби эзилади. Жанубий сарҳадларимизда кечган воқеалар хаёлига келади. «Кўз олдимда Сайёр Саъдинов жон берди. Уни шошилинч равишда вертолётга олиб чиқдик. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатилди. Аммо сафдош биродаримни асраб қололмадик. Очиқ қолган кўзларини ўзим ёпдим. Ҳали дунёдан тўймаган эди, ҳали айтар сўзлари бор эди. Афсус. Бундай вазиятда ироданг, бардошинг метиндан бўлса ҳам чидамас экан. Кўзларимда ёш ҳалқаланди. Мустақиллигимиз, тинчлигимизни кўролмайдиган малъунларга, халқаро террорчиларга нафратим янада ошди».

Гуруҳ командири сержант Исматуллаев ва сафдошларига пистирма қўйиш ва душманни бартараф этиш борасида жанговар вазифа юклади. Атроф арчазор. Айниқса даранинг кунчиқар тарафи қалин арчазор билан қопланган. Профессионал посбонлар айнан шу тарафга пистирма қўйишга қарор қилишди. Диққат-эътибор бир жойга жамланган. Ғира-шира қоронғулик туша бошлади. Шу пайт 300 метрлар чамаси узоқликдан эшак минган кишиларнинг қораси кўзга чалинди. Уларни четдан қараган киши чўпон ёки шу ерда яшовчилардан-да, деб ўйлаши мумкин. Аммо посбонларимиз ўта зийрак, ҳушёр. Номаълум кишиларга синчиклаб қараб турган посбон сержант Исматуллаев уларнинг ҳаракатларидаги нотабиийликни дарҳол илғади. Қолаверса, кўнгли ҳам алланималарнидир сезгандек бўлди. Бу хусусда командирига ҳам билдирди. Буни қарангки, «беозор» бўлиб кўринган кишилар халқаро террорчиларнинг айғоқчилари бўлиб чиқди. Гуруҳ уларни дарҳол қўлга олди.

Қидирув ишларини олиб бораётган гуруҳ кутилмаганда пистирмага дуч келди. Қўққисдан отишма бошланиб кетди. Профессионалларимиз зудлик билан қулай марраларни эгаллашди. Аммо гуруҳ командири душман ўқидан яраланган эди. Тажрибали посбон сержант Исматуллаев гуруҳга командирлик қилишни зиммасига олди. Тактика борасида юксак малакага эга профессионал посбонларга аниқ йўл-йўриқлар берди. Натижада пистирмадагилар дарҳол ўраб олиниб, бартараф этилди.

Бу янглиғ машъум воқеаларни эсга олгиси йўқ, посбоннинг. Негаки, кўз олдига мардларча ҳалок бўлган сафдошлари келаверади. Шу боис биз ҳам қалбидаги яраларни ортиқ тирнамасликка ҳаракат қилдик. Келинг, яхшиси қаҳрамонимизнинг жанговар фаолиятини ўқув машғулотлари мисолида кўриб ўтайлик.

Тоққа қалин қор тушган. Харитадаги белгиларга қарар экан, взвод командири шартли душман эгаллаган қишлоққа яқин қолганини ҳисоблаб чиқди. Атрофда ғорлар, пистирма учун қулай жойлар бор. Душман панада туриб қўққисдан ҳужум қилиб қолиши ҳеч гапмас. Тажрибали командир вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда дарҳол кузатув пости ташкил этишга буйруқ берди. Сержант Фармонбой Исматуллаев етакчилигидаги гуруҳ эса олдинги маррада бориши керак.

Буни қарангки, олдинги маррада бораётган гуруҳ посбонлари шартли душман билан тўқнаш келди. Алоқачи шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Озод Жўрақулов бу ҳақда зудлик билан взвод командирига рация орқали маълум қилди. Взвод старшинаси шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Шуҳрат Мусурмонов эса снайперлар билан қулай маррага жойлашиб олди. Гуруҳ командири аввало снайперларга шартли душманнинг олдинги сафда ҳаракатланаётган йўлбошловчиси, сапёр, автоматчиларини нишонга олиш ва яксон этиш ҳақида буйруқ берди. Моҳир снайперларнинг бехато хатти-ҳаракати сабаб, шартли душман гуруҳи пароканда-ликкa учради. Шунда муайян позицияни эгаллаб олган пулеметчи, гранатомётчиларимиз душман гуруҳининг асосий кучларига зарба беришди. Табиийки, бу ўринда сержант Исматуллаевнинг моҳирона командирлиги, бошқаруви, тўғри тактика қўллай билгани муваффақият гарови бўлди.

Мақоламиз қаҳрамони 14 йилдан бери Қуролли Кучларимиз ташкил топганидан буён шартнома бўйича хизматда. Ана шундайин мард, фидойи миллий кадрларимиз армиямизнинг шаклланувига беқиёс улуш қўшиб келишмоқда. Ушбу мард ўғлоннинг Фарруҳ, Жаҳонгир, Жалолиддин исмли фарзандлари бор. Таъкидлаётганимнинг сабаби бу исмларнинг ҳар бири билан мардлик, жасорат, садоқат сўзлари эгизак, уйғун. Демоқчиманки, мард йигитнинг ўғиллари ҳам Ватанига, халқига мардонавор хизмат қилишади.

Қуролли Кучларимизнинг 14 йиллик тўйида сержант Фармонбой Исматуллаев Президентимизнинг Фармонига кўра «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Мен қаҳрамонимнинг жанговар фаолияти билан танишиб туриб, шуни англадимки, агар фидойилик сўзига ранг, бўёқ керак бўлса, ҳеч иккиланмай ундан олиш мумкин. Мардлик тимсолини чизмоқ истаган рассом бўлса, ундан нусха кўчириши мумкин. Ҳа, суратига боқиб шуларни кўрасиз, ҳис қиласиз. Сийратига боқинг-чи, сийратига? Унда қудратли кучни — миллатнинг жажжи бир қиёфасини ҳис қиласиз.

Майор Аҳмаджон СОДИҚОВ

Сўранг, жавоб берамиз

БОШҚА САЙЁРАЛАРДА ҲАЁТ БОРМИ?

Ойда, бошқа бир қанча сайёраларда ва ниҳоят Марсда ҳам ҳаёт йўқлиги аниқланди. Олимлар ҳеч бўлмаганда ақалли мавжудотлар яшаши тахмин қилинаётган бирон сайёрани топишга муваффақ бўлишмаганмикин?

Икромжон Болтаев,
Учтепа тумани.

АҚШ матбуоти хабарига кўра, америкалик астрономлар ҳаёт пайдо бўлиши эҳтимоли бор ерга ўхшаш йўлдош-сайёраси бўлган бир нечта юлдузларни ҳисоблаб аниқлашган. Пойгачи Итлар юлдузлар туркумида жойлашган шундай сайёралардан бири beta CV деб аталади. У Ердан 26 ёруғлик йилига тенг масофада жойлашган. Epsilon Indi деган ном олган иккинчи шундай юлдуз Ҳинду юлдузлар туркумида жойлашган. Сайёрамиз билан шу юлдуз оралиғидаги масофа 11,8 ёруғлик йилига тенг экан.

Ердан ташқари цивилизациялар учун номзод юлдузларни танлар экан, олимлар бу борада амал қилиниши керак бўлган бир неча хил мезонларни ишлаб чиқишди. Улардан бири - юлдузнинг ёши 3 миллиард ёшдан юқори бўлмаслиги керак. Зеро, Ерда ҳаёт пайдо бўлганидан то шу кунгача тахминан ҳудди шунча вақт ўтган.

Юлдузлар Қуёш массасидан 1,5 баравардан ортиқ катта бўлмаслиги керак. Чунки бундан йириклари ҳали ақлли мавжудот пайдо бўлишга улгурмай, барбод бўлади. Ушбу юлдуз ўз атмосферасида Қуёш таркибида мавжуд бўлган темир моддасининг эллик фоизидан кам бўлмаган миқдорга эга бўлиши даркор. Акс ҳолда унинг тизимида тош сайёралар шаклана олмайди. Юлдузда сув бўлиши шарт.

40 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ТЎЙ

Ғарбнинг энг бой юлдузлари никоҳ тўйларига бир неча миллион долларлаб сарфлаганларини эшитиб келардик. Лекин яқинда 40 миллион долларга тушган никоҳ тўйи ҳақидаги шов-шувлар қулоғимизга чалинди. Шу миш-мишлар тўғрими?

Меҳринисо Холбоева,
Қибрай тумани.

Ҳақиқатан ҳам Мадонна ёки Жулиан Робертсга ўхшаш санъат юлдузлари никоҳ тўйларига 3-4 миллионлаб доллар сарфлаб, кўпчиликни ҳайратга солишганди. Лекин йирик сармоя эгаси Андрес Мелниченко билан сербиялик модельер Александра Кокотовичларнинг висол оқшоми харажатлари улардан ўн бараварга ошиб кетиб, ҳаммани лол қолдирди.

33 ёшли куёв Франциянинг Антибе шаҳридаги "Алтаир" номли ўз виллasида 250 кишилик меҳмонлар зиёфати ва улар кўнглини олишга дастлаб 14 миллион доллар сарфлашни мўлжаллаганди. Лекин яна 20 миллион қўшимча чиқим қилишга тўғри келган. Ҳозирги мода асосида вилла кема шаклида жиҳозланиб, барча меҳмонларга медузаларга хос либослар таклиф этилди. Куёв йигит созанда-ю хонандалар ва бошқа санъаткорларга ҳам анчагина маблағ сарфлаган. Уитни Хьюстон, Кристина Алигера, ота-ўғил Иглесиаслар мезбон ва меҳмонларни ўз санъатлари билан хушнуд қилишган бўлса, яна 7-8 миллион долларни 200 кишилик цирк артистларига сарфлашга тўғри келган.

Шунча катта харажат ёш банкир ҳамёнини бутунлай қуритиб қўя олгани йўқ – "Форбс" берган хабарга кўра унинг сармояси 1,6 миллиард долларга тенг келар экан...

2012 ЙИЛДАН КЕЙИНГИ ГЛОБАЛ СОВИШ

Ер сайёрасида юз бераётган глобал илиш жараёни ҳақида жуда кўп гапирилиб келаётганди. Энди "глобал совиш" ҳақида ҳам миш-мишлар эшитиляпти. Қайсинниси кўпроқ ҳақиқатга яқин?

Бозорбой Эшпўлатов,
Ҳамза тумани.

Музликларни ўрганиш институти директори ўринбосари, Россия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Вениамин Балобаев шу ҳақда қуйидагиларни билдирган:

Ер юзида рўй берадиган табиий жараёнларга қарши курашиш ҳеч қандай мантиққа тўғри келмаслиги аён. Инсоният ҳали уларни ўзгартира оладиган даражада билим ва имкониятларга эга эмас. Бинобарин, олимларнинг вазифаси табиий жараёнларни олдиндан билиб олиб,улар таъсирини юмшатишга интилишдан иборат.

Менинг фикримча, дейди В.Балобаев, глобал илиш муаммосини олимлар эмас, сиёсатчилар, журналистлар муболаға қилиб юборишди. Уни чуқур ўрганмай туриб, ваҳима қилишди. Америкалик олимлар билан ҳамкорликда иқлимнинг глобал илиши модели ишлаб чиқилди. Унга кўра, ҳозир чиндан ҳам иқлимнинг жиддий ўзгаришлари содир бўлмоқда.

Табиат турли хил об-ҳаво туркумлари (30, 100, 300 йиллик туркумлар асосида яшайди. Ҳозир илиш туркумлар ўзаро мос келиб қолиб, кучли акс-садо берди. Океан сувларида кучли буғланиш бошланган. Қуруқлик чеккаларидаги кучли жала ва тўфонлар ва буғланиш ҳолатлари етиб боролмайдиган қитъалар марказларидаги даҳшатли қурғоқчиликлар шунинг оқибати ҳисобланади.

Лекин ҳозирги кўламчалик бўлмаса-да, шунга ўхшаш ҳолатлар ўтган асрнинг 40-йилларида ҳам содир бўлганди. Шундай экан бу сафар ҳам глобал илиш жараёнлари тугашига унча кўп қолгани йўқ. Яна 8-10 йиллардан кейин глобал совиш жараёнлари бошланиб, 20 йиллар чамаси давом этади...

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ижтимоий ва турар жой объектлари иссиқлик таъминотини маҳаллий манбаларга ўтказиш учун контейнер кўринишида тайёрланган қозонхона ускуналарини етказиб бериш учун «Тошиссиққуввати» ИЧБ

ТАНЛОВ (ТЕНДЕР) САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Зарурий талаблар:

— қозонхона қуввати 0,1 МВт.дан 2 МВт.гача;

— иситиладиган майдон 500 кв.метрдан 10000 кв.метргача бўлиши керак.

Таклифлар Толстой кўчаси, 3а-уй манзили бўйича «Тошиссиққуввати» ИЧБга тақдим этилсин, маълумот учун телефонлар: 152-69-81, 136-17-66.

Таклифларни бериш муддати 2006 йил 15 июлгача.

Футбол

КЕСКИН ВА МУРОСАСИЗ УЧРАШУВЛАР

АЛБАТТА ТУРНИРНИНГ УЧИНЧИ ТУР УЧРАШУВЛАРИ ЖАМОАЛАРНИНГ САРАГИНИ САРАККА, ПУЧАГИНИ ПУЧАККА АЖРАТМОҚДА. БАЪЗИ ЖАМОАЛАР НИМЧОРАК ФИНАЛ БОСҚИЧИДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИНИ ИККИНЧИ ТУРДАН КЕЙИН ҚЎЛГА КИРИТИШГАН БЎЛСА, АЙРИМ ГУРУҲЛАРДА ВАЗИЯТ ШУНЧАЛИК ЧАЛКАШКИ, ФАҚАТ СЎНГГИ БЕЛЛАШУВЛАРДАГИНА ВАЗИЯТГА ОЙДИНЛИК КИРИТИЛИШ МУМКИН.

Парагвай ҳамда Тринидад ва Тобаго жамоалари ўртасида В гуруҳида ўтказилган сўнгги учрашув ҳеч нимани ҳал этмаса-да, гуруҳдаги учинчи ўрин соҳибини аниқлар, бинобарин, омад кулиб боққан жамоаларга ниҳоят ғалаба ва илк очколарни ҳадя этиши билан эътиборли эди. Кутилганидек, ушбу баҳс Жанубий америкаликларнинг устунлиги остида ўтди. Биринчи бўлимда Тринидад ва Тобаго жамоаси ўйинчиси ўз дарвозасига тўп киритгани ҳолда ҳисоб очилган бўлса, иккинчи бўлим охирларида парагвайликлар томонидан урилган гол уларнинг 2:0 ҳисобидан ғалабаси ва гуруҳда учинчи ўринни эгаллашларига йўл очди.

Кеча майдонга дастлаб D гуруҳи вакиллари тушди. Жумладан, Португалия—Мексика учрашуви гуруҳдаги энг кучли жамоаларнинг ўзаро куч синашуви ҳам эди. Айтиш жоизки, дастлабки икки ўйинда ғалабаларга эришиб, кейинги босқич йўлланмасини накд қилиб қўйган португалияликлар майдонга Криштиан Роналду, Деку каби айрим етакчи ўйинчиларсиз, ёшартирилган таркибда тушишди. Шундай бўлса-да, португалияликларнинг рақибларидан кучлироқ эканликлари ўйин давомида сезилиб турди.

Ҳисоб эса Португалия терма жамоаси ўйинчиси Маниша томнидан 6-дақиқада очилди.

23-дақиқада Фигу бурчак тўпини аниқ чиқариб бергач, рақиблар ҳимоячилари ўз жарима майдончаларида тўпни қўллари билан тўхтатиб қолганликлари сабабли ҳакам 11 метрлик жарима тўпини белгилади. Пенальтини Симао Сабросе аниқ бажариб, ҳисобни 2:0га етказди.

Шундан сўнг мексикалик футболчиларнинг ўйинлари анча жонланди.

29-дақиқада бурчакдан узатилган тўпни Хосе Фонсека боши билан дарвозага киритиб, ҳисобни қисқартиришга муваффақ бўлди.

Иккинчи бўлимда мексикалик Перес майдондан чиқариб юборилган бўлса-да, ушбу терма жамоа кўплаб ҳужумлар уюштириб, ҳисобни тенглаштиришга ҳаракат қилди. Мексикаликлар ҳатто пенальтидан тўп киритиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритишди, бироқ зарба жуда кучли ва хато бўлганлиги сабабли ҳисоб ўзгармади. Мағлубиятга учрасаларда, мексикаликлар гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаб, кейинги босқичга чиқишди.

Гуруҳдаги Эрон—Ангола учрашуви эса кучлари нисбатан тенг жамоаларнинг баҳсига айланди. Умуман, ўз тарихида ушбу жамоалар илк бор баҳс юритаётган эдилар, шу сабабли бутун беллашув давомида ташаббус гоҳ у, гоҳ бу жамоа томонида бўлди. Жамоалар қанчалик уринишмасин, биринчи бўлимда дарвозалар дахлсиз қолди.

Иккинчи бўлимнинг 60-дақиқасида уюштирилган чиройли комбинациядан сўнг Флавио(Ангола) боши билан аниқ зарба берган ҳолда ҳисобни очди. Бу Анголанинг жаҳон чемпионатларида киритган биринчи тўпи эди.

75-дақиқада Бахтиёрзода ҳисобни тенглаштирганидан сўнг ўйинда бошқа тўп киритилмади.

Ниҳоят кеча ўтказилган охирги икки учрашув С гуруҳининг тўрт жамоаси иштирокида ўтди.

Албатта, олдинги тур учрашувларида ғалабаларга эришиб, кейинги босқич масаласини олдиндан ҳал этган Аргентина — Голландия терма жамоалари ўртасидаги ўйин унчалик шиддатли тус олмади. Жамоалар нимчорак финал учрашувлари олдидан бир оз хотиржамлик билан тўп суришди. Натижада, ҳакамнинг ўйин тугаганлиги тўғрисидаги ҳушдаги чалинганида таблода 0:0 ҳисоби муҳрланган эди. Уч турдан сўнг ҳар иккала жамоа 7 тадан очко жамғарган бўлса-да, тўплар нисбатига кўра аргентиналиклар гуруҳда биринчи ўринни эгаллашди.

Кот д"Ивуар ҳамда Сербия ва Черногория ўртасидаги баҳс эса чемпионатнинг энг кескин, муросасиз учрашувларидан бирига айланди. Мазкур ўйин тинимсиз ёмғир остида ўтган бўлса-да, жамоалар комбинацион ва хужумкор ўйин кўрсатишди. Дастлаб европаликларнинг қўллари баланд келди. 10-дақиқада Никола Жигич, яна ўн дақиқа ўтгач эса Саша Иличлар иккита тўп киритиб, Сербия жамоасининг ғалабага бўлган ишончини мустаҳкамлашди. Бироқ майдонга дисквалификация қилинган энг кучли ҳужумчиси Дидье Драгбасиз тушган Африка қитъаси вакиллари саросимага тушиб қолмасдан чемпионатдаги энг яхши ўйинларини кўрсатишди. 37-дақиқада Аруна Диндан пенальтидан тўп киритиб, ҳисобни қисқартирди.

Иккинчи бўлимда иккита тўп киритган Кот д"Ивуарлик футболчилар қийин, аммо шарафли ғалабага эришишди—3:2.

Бугун E ва F гуруҳларининг саккиз жамоаси сўнгги тур учрашувларини ўтказишади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ЙЎНАЛИШЛАРИДА ИШЛАШ ҲУҚУҚИНИ ОЛИШ УЧУН ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсия қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:

1. 2006 йил 26 июль — соат 10⁰⁰да

1. 6	Чкалов м.б. - Галабанинг 40 йиллиги	мўъжаз автобус
2. 13	«Бирлик» маҳалласи - Пахтакор АШБ	мўъжаз автобус
3. 35	Сергели-7 - Адабиёт институти	мўъжаз автобус
4. 79	Аэропорт АШБ - Ал Хоразмий мавзеси	мўъжаз автобус
5. 90И	Чилонзор буюм бозори - Карвон бозори	мўъжаз автобус
6. 94	Чорсу савдо маркази - Қорақамиш 2/4	мўъжаз автобус
7. 100	«Ўрикзор» маҳалласи - Олой бозори АШБ	мўъжаз автобус
8. 102	Юнусобод-10-даҳа - Тошкент вокзали АШБ	мўъжаз автобус
9. 120	Беруний м.б. - Юнусобод	мўъжаз автобус
10. 125	Дўстлик-2 - 11-сонли туғруқхона	мўъжаз автобус
11. 127	17- шаҳар шифохонаси - Чорсу савдо маркази	мўъжаз автобус
12. 128	Чуқурсой станцияси - Ҳ.Абдуллаев м.б.	мўъжаз автобус

2. 2006 йил 8 август — соат 10⁰⁰да

1. 1И	Сергели-7 - Чилонзор буюм бозори	мўъжаз автобус
2. 4И	Чорсу савдо маркази - Чилонзор буюм бозори	мўъжаз автобус
3. 17	Чорсу савдо маркази - Қурувчилар мавзеси	мўъжаз автобус
4. 20	«Исломобод» маҳалласи - М. Юсуф кўчаси	мўъжаз автобус
5. 23	Мустақиллик майдони - Дўстлик-2	мўъжаз автобус
6. 131	Чорсу савдо маркази - А.Қодирий маҳалласи	мўъжаз автобус
7. 132	Қўйлиқ АШБ - Оҳангарон кўчаси	мўъжаз автобус
8. 134	Москва остонаси АШБ - Юнусобод-19	мўъжаз автобус
9. 144	Ҳ.Абдуллаев м.б. - «Гулистон» маҳалласи	мўъжаз автобус
10. 151	«Оқтепа» маҳалласи - Х.Абдуллаев м.б.	мўъжаз автобус
11. 155	Истироҳат мавзеси - Москва остонаси	мўъжаз автобус
12. 182	Кока-Кола заводи - Қўйлиқ бозори	мўъжаз автобус

3. 2006 йил 18 август — соат 10⁰⁰да

7	Юнусобод 12-даҳа - Пахтакор АШБ	мўъжаз автобус
7И	Чилонзор буюм бозори - С.Раҳимов м.б.	мўъжаз автобус
15	ТошМИ-2 – 16- шаҳар касалхонаси	мўъжаз автобус
24	Ўрикзор - Пахтакор АШБ	мўъжаз автобус
28	Т.Т.З. АШБ - Олой бозори АШБ	мўъжаз автобус
31	Қорасув-1 АШБ - Бўз бозор	мўъжаз автобус
44	Белтепа - Чорсу савдо маркази	мўъжаз автобус
50	Чорсу савдо маркази - СамПИ	мўъжаз автобус
52	Ибн Сино-2 - Пахтакор АШБ	мўъжаз автобус
96	Чуқурсой станцияси - Чорсу савдо маркази	мўъжаз автобус
164	Истироҳат кўчаси - Чорсу савдо маркази	мўъжаз автобус
165	Чорсу савдо маркази - «Гулистон» маҳалласи	мўъжаз автобус

4. 2006 йил 29 август — соат 10⁰⁰да

1	Аэропорт АШБ - Олой бозори АШБ	мўъжаз автобус
5И	Чилонзор буюм бозори - Дўстлик 2	мўъжаз автобус
11И	Чилонзор буюм бозори - Қорақамиш 1/2	мўъжаз автобус
13И	Чилонзор буюм бозори - Беруний м.б.	мўъжаз автобус
17И	Чилонзор буюм бозори-М.Юсуф кўчаси	мўъжаз автобус
18И	Чилонзор буюм бозори - Т.Т.З. АШБ	мўъжаз автобус
40И	Чилонзор буюм бозори - Юнусобод 19-даҳа	мўъжаз автобус
60	Қўйлиқ М3 - Пахтакор АШБ	мўъжаз автобус
61	Қўйлиқ М3 - Юнусобод 4-даҳа	мўъжаз автобус
121	Жомий маҳалласи - Чорсу савдо маркази	мўъжаз автобус
152	Бешёғоч мавзеси - Кадишев АШБ	мўъжаз автобус
154	Қўйлиқ М2 - «Номданак» маҳалласи	мўъжаз автобус

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш ва тендер ҳужжатлари пакетини бериш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги "Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Бош Амалиёт Бўлими"даги 20210000804197971001 ҳ/р (банк коди 00407, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га 26 минг 450 сўм ўтказилади.

Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17⁰⁰да) тўхтатилади.

Тендерни ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.

Маълумот учун телефон: 133-89-58.

ГИЁВАНДЛИК — ИНСОН ТАНАСИНИ ЕМИРУВЧИ ҚУРТ

БУТУН ДУНЁДАГИ КАБИ МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАМ СПИД, ГИЁВАНДЛИК КАБИ ИЛЛАТЛАР ЖИДДИЙ МУАММОГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА. АЛКОГОЛИЗМ, НАРКОТИК ВА ТОКСИК МОДДАЛАРГА РУЖУ ҚЎЙИШ АЙНИҚСА ЁШЛАР ҲАЁТИГА ХАВФ СОЛМОҚДА. ШУНИНГДЕК, ИҚТИСОДИЁТИМИЗГА, ЖАМИЯТИМИЗГА, ЭНГ ЁМОНИ ИРСИЯТИМИЗГА, ЗУРРИЁТИМИЗГА ЁМОН ТАЪСИР ҚИЛМОҚДА.

Дарҳақиқат, гиёвандлик бугунги кунда аср вабосига айланган. Бу офат ёш йигит-қизлар ўртасида жиноятчилик, фоҳишабозликнинг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Гиёвандликка учраган инсон қабоҳат ботқоғига ботади, ҳам руҳан, ҳам жисмонан мажруҳ бўлиб қолади. Одамларни фожеага, ҳатто ўлимга олиб борувчи наркотик модданинг ўзи нима? Наркоманияга, яъни бангиликка олиб борадиган моддалар — кўкнори, наша, қора дори, героин, морфин, кофеин, кокаин наркотик моддалар ҳисобланади. Гиёвандлик эса наркотик моддаларга, кайф қиладиган гиёҳларга ўрганиш, уларни доимо ва борган сари кўп миқдорда қабул қилишга мойиллик сифатидаги ўта оғир касалликдир. Бундай мойиллик жисмоний ва руҳий тобелик натижасида юзага келади. Инсон соғлиғига кучли таъсир этувчи «оғу» бугунги кунда аср вабосига айланганлиги ҳеч кимга сир эмас. Тиббиётда «нашавандлик» — рухий хасталик деб юритилади. Бу хасталикка чалинганларнинг кайфияти тез ўзгарувчан, хотираси ва иш фаолияти паст бўлади. Сал нарсадан ҳадиксирайди, телбага айланади. Умуман, гиёванд моддаларнинг ҳаммаси юрак томир тизимини, ошқозон-ичак йўлларини емиради, айниқса асаб системасига ва бош миясига қаттиқ таъсир қилиб, уларни ишдан чиқаради. Гиёвандлар шифохонада бор-йўғи икки ой даволанадилар. Кейин махсус назорат остида бўладилар. Аммо ашаддийлари бедаводир. Ҳатто бир грамм наркотик учун жонларига қасд қилишдан тоймайдилар. Мисол учун бир воқеани келтириш мумкин. 27-30 ёшлардаги бир бемор тақдири ҳақида айтадиган бўлсак, у бола вақтида мактабда аъло баҳоларга ўқиган, айниқса химия,-физика фанларини яхши ўзлаштирган. Келажакда олим бўлишни орзу қилган. Бироқ янги дўстлар орттириб аллақандай тўдага аралашиб қолганини ўзи ҳам билмай қолган. Оқибатда гиёвандлик кўчасига кириб қолиб, ундан чиқолмай қолди. Бора-бора адойи тамом бўлди, нина ураверіб қон томирлари бўртиб, қизариб, чандиққа айланиб кетди. Сўнгги пушаймондан фойда йўқ. Энди унинг кўзи очилди, жуда кеч очилди.

Гиёвандлик ва гиёванд моддалар билан олди-сотди қилувчилар истаса-истамаса фақат қотиллик, ўғрилик, босқинчилик, фоҳишалик каби жамият учун ўта хатарли кўчалардан юришга мажбурлигини, тубсиз жар томон бораётганларини сезмайдилар. Ўз хоҳиши билан гиёвандликка ўрганиб, қонини заҳарлаётган одамлар наҳот унинг оқибати вой бўлишини билишмаётган бўлса. Ахир гиёванднинг умри охир-оқибат қандай тугаши аниқ-равшанку. Гиёвандлик моддаси инсон танасини емирувчи қурт, гиёвандлик эса чангак эканлиги барчамизга аён. Энг дахшатлиси, гиёвандликка берилган одам хуморини босиш йўлида қариндош-уруғи, ота-онаси, ҳатто Ватанини сотишга ҳам тайёр. Демак, гиёвандлик шунчаки жиноят эмас, балки мамлакат, умумжаҳон миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолардандир.

Шу боис бугунги кунда мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом қилиб вояга етказишга катта эътибор қаратилган. Соғлом оилада соғлом фарзандлар камолга етади албатта. Зеро, оила соғлом бўлса, жамият соғлом бўлади, юртда тинчлик, фаровонлик, тараққиёт бўлади.

Раъно ИКРОМОВА,
шаҳар наркология диспансери шифокор-нарколог

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 806

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3162 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6